

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ТОШКУЛОВ АБДУКОДИР ХАМИДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАВБАТЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ
(Сурхондарё вилояти мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Тошкуллов Абдукодир Хамидович

Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари3

Ташкуллов Абдукадир Хамидович

Налоговое стимулирование экономической деятельности сельскохозяйственных предприятий37

Toshkulov Abdukodir Khamidovich

Issues of encouraging economic activity of agricultural enterprises through taxes.....71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work75

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ТОШКУЛОВ АБДУКОДИР ХАМИДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАВБАТЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ
(Сурхондарё вилояти мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt259 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Тошматов Шухрат Амонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич ЎЗР ФА академиги Алмардонов Мухамади Ибрагимович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ўрмонов Жаҳонгир Жалолиддинович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.I.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунини тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Н.Рахимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Исламкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д.Х. Пулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда солиқлар воситасида қишлоқ хўжалиги соҳаларини бевосита ва билвосита усуллар асосида, жумладан солиқ имтиёзларини қўллаш, кредит ва суғурта тизими орқали рағбатлантириш, нархларни шакллантириш механизми орқали қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган 53 та давлат ва 12 та иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлардаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг мониторингига кўра, 2016-2018 йилларда ўртача 528 млрд.доллар микдоридаги маблағ фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга тўғридан-тўғри йўналтирилган. Худди шу даврда Европа Иттифоқи мамлакатларида «қишлоқ хўжалигини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 97,4 млрд.доллардан 98,8 млрд.долларгача ўсган»¹. Глобаллашув шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодиётдаги ўрни, аҳоли турмуш даражаси сифатини оширишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини солиқлар воситасида мақсадли тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўлланиладиган молиявий дастаклар турличадир. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий рағбатлантиришнинг кенг тарқалган усуллари сифатида улар фаолиятини солиқлар орқали қўллаб-қувватлашни келтириш мумкин. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан қишлоқ хўжалигида манзилли солиқ имтиёзларини қўллаш, деҳқончиликнинг табиий иқлим шароитига боғлиқлигидан келиб чиқиб экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва чорвачиликда таннархни пасайтириш орқали маҳсулдорликни кўпайтиришни давлат томонидан молиявий рағбатлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида солиқ юкини босқичма-босқич камайитиришга қаратилган илмий-тадқиқот йўналишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий асосларда ташкил қилиш, ресурслардан, жумладан ер фондидан самарали фойдаланиш ва бунда солиқ механизми имкониятидан мақсадли фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада «фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш» вазифаси белгилаб берилган². Мазкур вазифани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини солиқ механизми асосида рағбатлантириш, истиқболли ва сердаромад соҳалар бўлган боғлар, тоқзорлар,

¹Agricultural support. <https://data.oecd.org/agrpolicy/agricultural-support.htm>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тутзорлар барпо этишда солиқ имтиёзларини жорий этиш, фойдаланилаётган ерлар унумдорлиги ва фаолият натижадорлигини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда солиққа тортиш ҳамда имтиёзлар тақдим этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи университет ва илмий марказларида, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Co-operation and Development); Халқаро қишлоқ хўжалиги савдосини тадқиқ этиш Консорциуми (The International Agricultural Trade Research Consortium); АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар хизмати (Economic Research Service, АҚШ); Халқаро солиқ ва тараққиёт маркази (The International Centre for Tax and Development, ICTD, АҚШ); Фискал тадқиқотлар институти (Institute for Fiscal Studies, Буюк Британия); Молия бўйича амалий тадқиқотлар маркази (The Center for advanced research in Finance, CARF, Япония); Japan International Cooperation Agency (JICA, Япония); Корея давлат молияси институти (The Korea Institute of Public Finance, Корея); The University of Faisalabad (Покистон); Халқаро Европа таълим маркази (Centre International de Formation Européenne (CIFE)

³The Role of Agriculture in Economic Development and Poverty Reduction. An Empirical and Conceptual Foundation. The World Bank Rural Development Department, 2011; Agricultural taxation under structural adjustment [2008]. Sarris, A.H. FAO, Rome (Italy); The International Agricultural Trade Research Consortium (IATRC) United States Department of Agriculture (USDA); Agriculture and Agri-Food Canada, USDA Foreign Agricultural Service (FAS) and Economic Research Service (ERS); The International Agricultural Trade Research Consortium (IATRC). The Impact of Pillar II Funding Validation from a Modelling and Evaluation Perspective, Schroeder, Gocht, and Britz 2015.

Франция); Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети, К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университет (Россия)лари томонидан амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш юзасидан бир қатор илмий натижаларга эришилган. Жумладан:

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янгидан барпо этиладиган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерларни солиқлар воситасида рағбатлантириш зарурлиги асосланган; қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалигини солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқилган; қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий натижаларидан манфаатдорлигини оширишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини пасайтириш йўналишлари илмий асосланган (Ўзбекистон Республикаси); маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларининг қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасига боғлиқлиги аниқланган (Қорақалпоғистон Республикаси).

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш бўйича, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бозор конъюктурасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кафолатланган (guaranteed "support price.") ва энг кам меъёрий нархларнинг (minimum legal price) ўрнатилишига солиқларнинг таъсири аниқланган (АҚШ); қишлоқ хўжалигининг таракқиётида солиқ ставкаларини ўзгартиришининг қишлоқ хўжалиги даромадларга таъсирини аниқлашда CAPRI-RD моделидан фойдаланилган (Германия); қишлоқ хўжалигида биоёқилғидан фойдаланишда солиқ имтиёзларини жорий этиш самарадорлиги аниқланган (Европа Иттифоқи).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа тортиш билан боғлиқ назарий қарашлар иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, Т.Гоббс, П.Самуэльсон, Ю.Фишер, К.Макконнелл, Н.Менкью, С.Брю, В.Белостоцкая, С.Барулин, Е.Кирова, Е.Егорова, Д.Черник, Т.Юткина, В.Титов, Л.Минь, Д.Юмнинг илмий асарларида тадқиқ этилган⁴. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Алтиев, А.Ваҳобов, Ш.Тошматов, М.Альмардонов, А.Жўраев, Т.Маликов, А.Пардаев, Б.Исроилов, О.Абдурахмонов, Б.Тошмуродова, Қ.Яҳёев, Н.Хайдаров, Б.Азимов, Н.Қўзиева, У.Раджапов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида солиққа

⁴Макконнелл К., Брю С. Экономика. Принципы, проблемы и политика. –М.: Республика, 1992. – 972 с.; Балацкий Е. Лафферовы эффекты и финансовые критерии экономической деятельности//МЭиМО.–М., 1997.– №11.–С. 31-43; Мэнкью Н.Г. Принципы экономики.–СПб: Питер Ком, 1999.– С. 356; Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М: Ось-89, 1997.– С. 346; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. Государственное издательство политической литературы.– М., 1955.–С. 360; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ.–М., 1962.–С. 408; Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер. с англ.–15-е изд. – М: Бином-КНОРУС, 1999. –С.800; Белостоцкая В.А. Системный подход к измерению налоговой нагрузки//Финансы. – М., 2003. –№336. –37с.; Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты //Финансы.–М., 1998. –№9.–С. 30-32; Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия//Финансы. – М, 2006.–№2. –С. 42-46; Черник Д.Г. Налоги. 4-е издание.–М.: Финансы и статистика, 2000.–С. 430.

тортиш масалалари умумлаштирилган ҳолда ёритилган⁵. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми ва улар фаолиятида солиқ юкини аниқлаш, баҳолаш ва оптималлаштириш масалалари И.Ниязметов, Ш.Тўраев, О.Ғайбуллаев, А.Ботиров, Ж.Ўрмонов, солиқ юкига таъсир этувчи омиллар, хусусан, солиқ маъмуриятчилигини самарали ташкил этиш масалалари А.Маликов ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари О.Юлдашев томонидан тадқиқ этилган⁶. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари Б.Санакулованинг, иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари Н.Ашурованинг, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмлари М.Юсуповнинг тадқиқотларида ўрганилган⁷.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари комплекс яхлит ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Термиз давлат университети ва Тошкент давлат

⁵ Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Монография –Т.: Fan, 2018, –270 б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри).–Т.: Иқтисод-молия, 2014.– 460 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография –Т.: Fan va texnologiya, 2008.–204 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография.–Т.: Фан, 2004.–243 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.–Т.: Академия, 2000.–276 б.; Пардаев А., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш.–Т.: Zar qalam, 2005.–68 б.; Раджапов У.А. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлашти-риш шароитида солиқ механизмини такомиллаштириш. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2006.–24 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми: Монография.–Т.: Янги аср авлоди, 2002.–127 б.; Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.–Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.–247 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. дис. автореф.–Т., 2003.–34 б.

⁶Ниязметов И.М. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2008.–24 б.; Тўраев Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. И.ф.н. дис.–Т., 2008.–24 б.; Ғайбуллаев О.З. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2004.–20 б.; Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2012.–23 б.; Ўрмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари. И.ф.н. дис. автореф.–Т.: 2010.–23 б.; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2011.–23 б.

⁷ Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. И.ф.д. дис. автореф.–Т., 2015.–91 б.; Ашурова Н.Б. Иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) дис. автореф.–Т., 2018.–62 б., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2018. 52 б.

иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф1-155 «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш ва таркибини такомиллаштиришнинг назарий асослари» (2017-2020 й.й.), №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлаш муаммолари» (2017-2020 й.й.), №ПЗ-20170928153 «Корхоналарни инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» (2017-2020 й.й.), №ФЗ-2019081645 «Иқтисодий хавфсизликни баҳоловчи индикаторларнинг чегаравий миқдорини ва уларнинг дастурий таъминотини яратиш» (2017-2020 й.й.), №ОТ-Ф1-154 «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» (2017-2020 й.й.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга йўналтирилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги тармоғининг иқтисодиётдаги роли ва уни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишларини тадқиқ қилиш;

солиқлар хусусидаги назарий қарашларни ўрганиш асосида қишлоқ хўжалигини солиққа тортишнинг концептуал жиҳатларини баҳолаш;

республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ солишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш ва ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш хусусиятларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмини таҳлил қилиш;

чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган корхоналарга солиқ солиш хусусиятларини тадқиқ этиш асосида улар барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иқтисодий фаолиятига солиқларнинг таъсирини аниқлаш;

иқтисодий тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини солиқлар воситасида рағбатлантириш хусусиятларини тадқиқ этиш орқали илғор жиҳатларини қўллаш йўналишларини ишлаб чиқиш;

ривожланаётган ва МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўналишларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги

корхоналарини солиққа тортиш ва улар иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришда бюджет билан солиқ тўловчилар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомини олиш учун жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳамда уни қайта ишлашдан олган даромадининг улуши солиқ даврида камида 80 фоизини ташкил этиши зарурлиги юзасидан мезоннинг киритилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

ягона ер солиғи бекор қилиниши ва айланмадан солиқ жорий этилиши муносабати билан 50 ва ундан ортиқ гектар суғориладиган экин майдони бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلарни тизимлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарида устувор фаолиятларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизми исботланган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янги барпо этиладиган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерларни солиқлар воситасида рағбатлантириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёزلарни бекор қилиш таклифи асослаб берилган;

қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши муносабати билан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида эллик ва ундан ортиқ гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш зарурияти илмий асосланган;

ягона ер солиғини бекор қилиниши муносабати билан фойда солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда солиғининг 0 фоиз миқдорига ставкасини ўрнатиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

республикада солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланиш механизмини такомиллаштиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарини коронавирус

пандемияси даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллаш таклифлари амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот ишида олинган илмий натижаларнинг ишончилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар солиқ ва солиқ механизмининг методологик-услубий асосларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортишни такомиллаштиришга хизмат қилувчи хулосаларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга доир дастурлар ва истикболдаги режаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш ҳамда магистратура мутахассисликларида ўқитилаётган «Солиқ тизими ва уни такомиллаштириш», «Юридик шахсларни солиққа тортиш» каби фанларнинг ўқув дастур ва қўлланмаларини давр талабига мос равишда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари асосида:

қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармони ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 декабрдаги 15-42543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Сурхондарё вилояти бюджетига 2020 йилнинг 1-чорагида 23 478,7 млн. сўм қўшимча солиқлар тушишига эришилди.

қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши муносабати билан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда харид нархларига қўшилган қиймат солиғини инобатга олган ҳолда шакллантириш ҳамда илгари фойдаланилган менерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа иш, хизматлар

бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 декабрдаги 15-42543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, 2019 йилда Сурхондарё вилоятидаги корхоналар ихтиёрида 38 787,2 млн. сўм маблағлар қолдирилишига эришилган.

2020 йилдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ жорий этилиши муносабати билан 50 ва ундан ортиқ гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш бўйича таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 декабрдаги 15-42543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Сурхондарё вилоятидаги умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи қишлоқ хўжалиги корхоналар сони 2020 йилнинг 1-чорагида 2 120 тага ошди.

2020 йилдан бошлаб ягона ер солиғини бекор қилиниши муносабати билан фойда солиғи тўлашга ўтган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда солиғининг 0 фоиз миқдоридagi ставкасини ўрнатиш юзасидан берилган таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 июлдаги 05-16/1132-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 декабрдаги 15-42543-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида Сурхондарё вилоятидаги умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи қишлоқ хўжалиги корхоналар ихтиёрида 2020 йилнинг 1-чорагида 185,4 млн. сўмлик маблағ қолдирилди.

иқтисодий инқирозларнинг таъсирини юмшатиш, аҳолини озиқ овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлақонли қондиришда солиқ имтиёздан кенг фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 декабрдаги 15-42543-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Сурхондарё вилоятидаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи қишлоқ хўжалиги корхоналар ихтиёрида 34 722,7 млн. сўм маблағ қолдирилишига эришилган.

қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янгидан барпо этиладиган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерларни солиқлар воситасида рағбатлантириш

бўйича таклифидан янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 июлдаги 05-16/1132-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Сурхондарё вилоятида 1284 гектар янги боғлар, токзорлар ва тутзорлар барпо этилиб, улар эгаллаган ерлар уч йил муддатга ер солиғидан озод қилинди ҳамда 2020 йилда жами 411,7 млн. сўм ер солиғи суммалари қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёрида қолдирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика миқёсида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан: 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 8 та, хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 218 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва солиққа тортишнинг ҳуқуқий ҳамда концептуал асослари**» деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш хусусидаги илмий-назарий асослари тадқиқ этилиб, уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қилувчи хулосалар шакллантирилган, уларга солиқ солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ва аҳамияти бевосита ҳар бир малакатнинг ривожланиш тенденцияларига боғлиқдир. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ҳамда уни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг назарий жиҳатлари иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, классик иқтисодий мактаб асосчиларидан А.Смитнинг фикрича, қишлоқ хўжалигининг саноатдан орқада қолиши, айнан табиий омил шароитида меҳнат тақсимотининг ривожланмаганлигига боғлиқлигидир. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, алоҳида ҳудудлар ёки мамлакатларнинг тараққиётида тафовутлар мавжуд бўлишини таъкидлаб ўтган⁸.


⁸ Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: Эксмо-2007. – С. 17.

Иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти совриндори бўлган Т.Шульцнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли масалалари атрофлича ўрганилган. Унинг фикрига кўра, анъанавий қишлоқ хўжалиги бу иқтисодий концепция ҳисобланиб, буни мувозанатдаги камчилик сифатида тушуниш мумкин. Унинг тадқиқотларида анъанавий қишлоқ хўжалигини турғунлик ҳолатида бўлиш сабаблари ва уни ривожлантириш йўналишлари қуйидагилар асосида ўрганилган:

- ✓ фойдаланилмаётган ресурсларни ишга тушириш;
- ✓ маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори чегараларга етказиш учун ресурсларни оптимал қайта тақсимлаш;
- ✓ ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш⁹.

Иқтисодчи олимлар Б. Жонстон и Ж. Меллор фикрича қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт секторлари ўртасидаги истеъмол ва ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига муҳим таъсир кўрсатади¹⁰. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан аҳоли учун озиқ-овқат, саноат учун хомашё ва биоёқилғи сифатида кенг фойдаланилади. Одатда, ушбу маҳсулотларга бўлган талаблар умумий омиллар комбинацияси билан белгиланади. Бунда аҳоли динамикаси билан бирга даромадлар, истеъмол даражаси, нархлар ва нархни белгилашдаги чегирмаларни ҳисобга олиш лозим.

Муаллиф томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланиш ва талаб омиллари ўртасидаги тизимли муносабатлар ўзаро боғлиқлиги ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг).



1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланиш ва талаб омиллар ўртасидаги тизимли муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги¹¹.

⁹ http://www.ide.go.jp/library/English/Publish/Periodicals/De/pdf/65_02_07.pdf

¹⁰ Johnston, B. F., J. W. Mellor. The Role of Agriculture in Economic Development. // The American Economic Review 51 (4), 1961, pp. 566 – 593.

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

Ўзаро боғлиқлик тузилмасига кўра аҳоли, даромадлар ва нарх бўйича белгиланган чегирмалар бевосита озиқ-овқат талабига таъсир қилади, чунки улар истеъмолчилар сони, “истеъмол саватчаси” ва маҳсулот сотиб олиш имкониятларини белгилайди. Мазкур омилларнинг ҳар бирида сезиларли даражада географик жойлашуви бўйича фарқларнинг мавжуд бўлиши туфайли, уларнинг озиқ-овқат истеъмолига нисбатан таъсири мамлакатлар ва минтақалар бўйича ўзгариб туради.

Қишлоқ хўжалиги ўзининг фаолиятини ташкил қилиш хусусиятларига ва табиий иқлим шароитига боғлиқлигидан келиб чиқиб, давлатнинг фаол аралашувини талаб қиладиган тармоқ ҳисобланади. Бундай аралашув давлат томонидан амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатда, молиявий дастакларда, хусусан солиқ солиш шартларида, солиқ имтиёзларида, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва соҳага бериладиган бошқа енгилликларда (преференцияларда) намоён бўлади.

Илмий изланишларнинг кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолияти ва уни солиққа тортиш куйидаги хусусиятлардан иборат:

– аҳоли бандлигини таъминлашда (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, саноатни хомашё билан таъминлаш орқали) муҳим ўрин тутади;

– Ҳукумат томонидан жорий этиладиган солиқлар бўйича маъмурчиликни ташкил этишда мураккабликлар келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги амалга оширилган операцияларнинг ҳисобини юритиш ва солиқ солиш қийинчиликларни келтириб чиқаради, айниқса хонадон ва деҳқон хўжаликлари доирасида ва норасмий бозорларда битимлар амалга оширилганда бу яққол сезилади;

– қишлоқ хўжалигида ҳукмрон бўлган машаққатли меҳнат муҳити иқтисодиётдаги умумий меҳнат бозорига кучли таъсир этади. Бунда давлат сектори, хусусий сектор ва шахсий хўжаликларнинг самарадорлик кўрсаткичлари (маҳсулдорлик, ҳосилдорлик) ўртасидаги тафовут юқори бўлади;

– ер муҳим ресурс ҳисобланганлиги сабабли ренталарни солиққа тортиш билан боғлиқ муаммолар муҳим аҳамият касб этади;

– ҳукумат кўпинча сув ва электр каби муҳим ресурсларни асосий ёки ягона етказиб берувчиси ҳисобланади. Шу сабабдан нарх сиёсатини ишлаб чиқишда уни солиққа тортиш муносабатлари билан уйғунлаштириш зарурияти пайдо бўлади;

– озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши, тақсимланиши ва нархи аҳоли фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат

нархларнинг барқарорлиги, маҳсулот сифати ва хавфсизлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга мажбур бўлади¹².

Жаҳон солиқ амалиётида турли солиқ имтиёзлари ва имтиёзли солиқ режимлари солиқлар воситасида устувор иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришнинг ўзига хос муҳим йўналишлари ҳисобланади. Бундан ташқари, бу ёндашув аксарият мамлакатларда қишлоқ хўжалиги секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги мақсадли субсидиялар ва бошқа бюджет маблағларини ажратиш билан бирга қўлланилади¹³. Одатда ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқлар таркибига миллий солиқлардан корпоратив даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва маҳаллий солиқлардан ер, мол-мулк, қишлоқ хўжалиги солиғи ва бошқалар киради¹⁴.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштириш тизимли ёндашувни талаб этади. Бунда биринчи навбатда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасига эътибор қаратилиш зарур, қайта ишлаш даражаси юқори бўлса, қўшилган қийматнинг кейинги босқичларида яратиладиган қисмига солиқ солишга кенгроқ урғу берилиши талаб этилади, қайта ишлаш даражаси паст бўлганда, хомашё сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиқиб кетишини олдини олишга қаратилган солиққа тортиш чораларини кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш хусусиятлари ва иқтисодий фаолиятига таъсирининг таҳлили»** деб номланиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш хусусиятлари очиқ берилган, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларида ҳисобланган солиқлар таҳлили асосида мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга хизмат қилувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда республикада экин майдонлари таркибий тузилмасини озиқ-овқат экинлари билан кенгайтириш ҳисобига босқичма-босқич мақбуллаштириш бўйича аниқ мақсадли йўналтирилган бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича фаол тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш мақсадида 1999-2019 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бир неча солиқлар ўрнига ихчамлаштирилган ягона ер солиғи амал қилиб келди.

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган асосий солиқ тури ҳисобланувчи ягона ер

¹² Dixit A.K. (1973) 'Models of dual economies', in: J.A. Mirrlees and N.H. Stem, eds., Models of Economic Growth. New York: Macmillan. Lipton M., (1978) 'Transfer of resources from agriculture to non-agricultural activities: The case of India', in: J.F.J. Toye, ed., Taxation and economic development. London: Frank Cass.

¹³ Veen H. B., van der, Meulen H. A. B., van der, Bommel K. H. M., Doorneweert B. Exploring Agricultural Taxation in Europe. Hague, LEI, 2007. 162 p.

¹⁴ Milošević, G.; Kulić, M. Theoretical Basis And Practical Experiences of Tax Shifting with Reference to Agriculture. Econ. Agric. 2011, 58, 281–297.

солиғи тушумини йиллар кесимида таҳлилини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган ягона ер солиғи ўзгариши динамикаси¹⁵ (млн. сўм)

№	Туман ва шаҳар номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Термиз шаҳар	1,0	2,2	1,2	5,9	5,4
2.	Ангор тумани	511,5	907,4	1 009,9	1 250,5	836,4
3.	Олтинсой тумани	811,8	1 409,9	2 513,0	2 587,4	2 130,1
4.	Бойсун тумани	569,4	755,3	751,6	872,7	540,5
5.	Музработ тумани	652,8	1 924,6	1 908,8	1 987,8	1 410,9
6.	Денов тумани	2 180,8	2 941,9	2 275,7	3 868,5	2 886,9
7.	Жарқўрғон тумани	898,2	1 785,3	1 744,5	1 531,7	1 194,1
8.	Қумқўрғон тумани	994,4	2 226,2	1 386,1	1 820,0	1 146,0
9.	Қизирик тумани	719,3	2 634,5	2 616,1	2 255,4	1 824,8
10.	Сариосиё тумани	661,7	850,5	1 073,6	1 285,6	1 104,6
11.	Термиз туман	587,4	814,4	944,6	1 475,3	1 249,8
12.	Шеробод тумани	868,6	2 891,6	2 714,0	2 288,0	1 592,8
13.	Шўрчи тумани	1 078,3	1 531,1	1 464,8	1 558,1	1 222,0
14.	Узун тумани	692,1	897,3	845,2	1 247,8	1 205,2
15.	Бандихон тумани	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Жами	11 227,3	21 572,1	21 249,3	24 034,7	18 349,4

Келтирилган 1-жадвалга кўра, Сурхондарё вилояти бўйича ягона ер солиғи тушуми устун даражада ўсиш тенденциясига эга. Фақат 2018 йилга нисбатан 2019 йилда кескин камайган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмида ўзгаришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан қўшилган қиймат солиғи жорий этилиши оқибати рўй берганлиги билан изоҳланади.

Сурхондарё вилоятида ягона ер солиғи бўйича асосий улуш Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қизирик туманларига тўғри келмоқда. Мазкур туманларда солиқ тушумининг юқориликларини ушбу ҳудудларда умумий ер майдони ва суғориш таъминотида келиб чиқиб, деҳқончилик ва чорвачилик фаолияти субъектлари сони кўплиги асос бўлган. Термиз шаҳрида ягона ер солиғи тушуми деярли мавжуд эмаслиги, унинг шаҳар мақоми билан бевосита боғлиқдир. Ягона ер солиғи миқдорининг ўзгаришига биринчи навбатда ерларнинг меъёрий қиймати таъсир қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилаётган даврда барча туманлардаги солиқ тушумидаги беқарорлигининг сабаби сифатида ерларнинг меъёрий қиймати аниқ бир мезон асосида объектив равишда белгиланмаганлигини келтириш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида қонунчиликка ўзгаришлар киритилгунга қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари

¹⁵ Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

фойдаланилган ерларига нисбатан ерларнинг меъёрий қиймати инобатга олиниб, ягона ер солиғи ундирилиб келинган. Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи бир нечта қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида уларни солиққа тортиш билан боғлиқлиги қуйидаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинди.

2-жадвал

Дехқончилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили¹⁶

Корхона номи	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й	2019 й
«Йўлдош» ф/х (Бойсун тумани)	Ер майдони (га)	111,9	211,9	211,9	211,9	211,9
	Ер меъёрий қиймати (минг сўм)	1026,2	8737,0	10195,3	10195,3	10195,3
	Тўланган солиғи (млн. сўм)	61,5	83,1	96,8	96,8	96,8
	Ишчилар сони (нафар)	2	2	2	1	1
«Ёмчи» ф/х (Бойсун тумани)	Ер майдони (га)	224,7	221	221,7	217,7	217,3
	Ер меъёрий қиймати (минг сўм)	201990,9	201815,5	201864,2	161107,6	114663,1
	Тўланган солиғи (млн. сўм)	1319,4	1917,2	1917,7	1530,5	1089,9
	Ишчилар сони (нафар)	2	2	2	2	2
«Сурхон» ф/х (Термиз тумани)	Ер майдони (га)	122,5	408,8	197,1	197,1	197,1
	Ер меъёрий қиймати (минг сўм)	331068,8	739058,9	660574,2	660574,2	660574,2
	Тўланган солиғи (млн. сўм)	19864,1	7021,1	6275,5	6275,5	6275,5
	Ишчилар сони (нафар)	13	13	6	6	6
«Холматов Мансур» ф/х (Денов тумани)	Ер майдони (га)	555	500	500	500	500
	Ер меъёрий қиймати (минг сўм)	16705,5	54100,0	66865,0	72200,0	72200,0
	Тўланган солиғи (млн. сўм)	1002,3	513,9	635,2	685,9	685,9
	Ишчилар сони (нафар)	1	1	1	1	1

2-жадвал маълумотларида Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Термиз ва Денов туманларида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида улардан ундирилган ягона ер солиғи ва ушбу солиқ турига бевосита таъсир этувчи кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида

¹⁶ Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Бойсун туманида фаолият кўрсатувчи «Йўлдош» фермер хўжалиги бўйича 2016 йилда 2015 йилдагига нисбатан ер майдони боғдорчилик ва узумчилик учун фойдаланиладиган ерлар қисми ошиши ҳисобига кескин кўпайганлиги ҳамда тўланган солиқ миқдори ҳам мос равишда ошиш тенденциясига эга эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолатни 2019 йилдан мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун мева-сабзавот маҳсулотлари билан банд бўлган ерлар қисмидан умумий тартибда ер солиғи ундирилишига ўтказилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Термиз туманидаги «Сурхон» фермер хўжалиги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу фермер хўжалигида фаолият кўрсатувчи ходимлар сони фойдаланишдаги ер майдонига нисбатан мутаносиб ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу фермер хўжалигининг ер майдони кўпайишига қарамадан, тўланган солиқ миқдори 2016 йилда 2015 йилга нисбатан кескин камайиш кўрсаткичига эга. Ушбу ҳолатни солиқ ставкаси кескин камайиши ва ернинг меъёрий қиймати номувофиқ белгиланганлиги билан ифодалаш мумкин. Денов туманидаги «Холматов Мансур» фермер хўжалиги фаолияти бўйича фойдаланишдаги ер майдони 500 гектардан ортиқ, ишчилар сони бир нафар кўрсатилган. Ваҳоланки, 500 гектар майдонни бир нафар ишчи уддалай олмаслиги аниқ, мазкур ҳолатни ишчилар сонини яшириш, ишчиларга ноқонуний «конверт» усулда иш ҳақи бериш ёхуд оила аъзоларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирмаган ҳолда меҳнатга жалб этиш оқибати сифатида изоҳлаш мумкин.

Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорини куйидаги расмда келтирилган.




2-расм. Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдори¹⁷ (млн. сўм)

Маълумотлар сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги

¹⁷ Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

корхоналари сони ортиб борганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатга мутаносиб равишда корхоналар томонидан тўланган солиқлар миқдори ошиб борган, жами тўланган солиқлар миқдори 2015 йилда 2491,6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунларига кўра 5093,0 млн. сўмга етиб, 2015 йилга нисбатан 2 баробар кўпайган. Ҳар бир солиқ тўловчи кесимида амалга оширилган таҳлилга кўра, 2015 йилда битта солиқ тўловчига ўртача 4,2 млн. сўм миқдоридан солиқ тўғри келган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 5,3 млн. сўмга етган.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича фаолият кўрсатувчи чорвачиликка ихтисослаштирилган кишлок хўжалиги корхоналарида ҳар бир гектар ер майдони учун тўғри келадиган ягона ер солиғи миқдори бир-биридан кескин фарқли кўрсаткичга эга (3-расмга қаранг).



3-расм. Сурхондарё вилоятида чорвачилик корхоналарининг эгалигидаги ер майдони ва уларнинг ҳар бир гектари учун ундирилган солиқлар улуши¹⁸

Ушбу ҳолатни ерларнинг меъёрий қиймати ўзгарувчан баҳоланганлиги ҳамда мазкур фермер хўжаликларининг чорвачиликнинг қайси йўналишига ихтисослашганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, «Boysun chorvasi» фермер хўжалигининг кўрсаткичлари таҳлил этилаётган бошқа фермер хўжаликларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга, яъни 2015 йилда бир гектар ер учун 2,5 млн. сўм солиқ тўланган бўлса, кейинги йилларда кескин кўпайиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 баробар ошганлигини баҳолаш мумкин. Қизирик туманидаги «Мансуров Абул Файз» фермер хўжалиги ва Шўрчи туманидаги

¹⁸ Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.


«Кадр-каноат» фермер хўжалигининг кўрсаткичлари бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан жуда паст. Фойдаланилган бир гектар ер майдони учун 0,7-1,0 млн. сўм атрофида ягона ер солиғи тўлаган. Таҳлилларга кўра, Бойсун туманида чорвачиликка ихтисослашган корхона молиявий натижаси деҳқончиликка ихтисослашган корхонага нисбатан яхши натижага эга, яъни соф фойдаси деҳқончиликка ихтисослашган корхонага нисбатан деярли беш баробар юқори кўрсаткичга эга бўлган. Ушбу ҳолатни Бойсун туманида лалми ва яйлов ерларнинг улуши юқори ва чорвачилик фаолиятига табиий шароитлар қулай эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Қизириқ ва Шўрчи туманида суғориладиган ер майдони кўплиги туфайли деҳқончиликка эътибор қаратилганлиги боис, кўрсаткичлар Бойсун туманида жойлашган фермер хўжаликларга нисбатан кескин фарқ қилади.

2020 йилдан бошлаб республикамізда солиқ соҳасида туб ўзгаришлар юз бериши ва янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи ўрнига фаолият туридан ҳамда фойдаланиш объектларидан келиб чиққан ҳолда умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби белгиланди. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи ставкалари ягона ер солиғи ставкаси сингари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса қатъий ставкада ва ер майдонининг бонитет балидан келиб чиқиб ҳисобланиши белгиланди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари 2019 йилнинг 1 октябридан йил давомида 1 млрд.сўмдан ортиқ пул айланмаси ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонига эга бўлган тақдирда қўшилган қиймат солиғи ва бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби жорий этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхоналари бугунги кунда ҳеч қандай тўсиқсиз ўзи етиштирган мева-сабзавотларини ёки уларни қайта ишлаш маҳсулотларини четга экспорт қилиши мумкин. Бунда, экспорт реализацияси оборотига қўшилган қиймат солиғини ноль ставкада ҳисобланиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча тўлов (манфий қолдиқ) суммаси ҳосил бўлган тақдирда, бу суммани давлат бюджетидан қайтариб олиш имконияти яратилди. Йиллик пул айланмаси 1 млрд.сўмгача ёки суғориладиган ер майдони 50 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар айланмадан олинандиган солиқ ва бошқа солиқларни тўлаш тартиби белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар томонидан 2020 йилда тўланиши лозим бўлган солиқлар таркибини қуйидаги маълумотлар орқали кўришимиз мумкин (4-расмга қаранг).

4-расмга кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришлар бир томондан адолатлиликни таъминлашга ҳамда иккинчи томондан бюджет даромадлари ортишига хизмат қилади деган хулосага келинди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланадиган солиқларнинг умумбелгиланган тартибга ўтказилиши улар томонидан тўланадиган солиқлар сони ва солиқ юқининг ошишига олиб

келиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг умумбелгиланган ва айланмадан олинадиган солиқни танлаш ҳуқуқининг берилиши, уларга нисбатан қўлланилаётган рағбатлантириш чоралари сифатида ҳам қабул қилиш мумкин, лекин ушбу танлаш ҳуқуқидан фойдаланиш учун мезонларнинг ўрнатилиши, яъни жами даромади бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган ёки суғориладиган экин майдони эллик гектардан ошмаган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланиши, уларнинг фаолият туридан келиб чиқиб, эркин танлаш ҳуқуқининг чекланиши сифатида ҳам талқин этилиши мумкин.




4-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар таркиби¹⁹.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтганда солиқлар сони кўплиги ва ўз-ўзидан солиқ юки ҳам кўп бўлиши табиий ҳолатдек туюлиши мумкин. Лекин умумбелгиланган солиқлар ҳисобланганда сотиб олинган эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар ва бошқа материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши, ушбу корхоналарнинг таннархини камайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича фойда солиғи ставкаси ноль фоиз эканлигини ҳам назарда тутиш лозим. Фикримизча, қишлоқ хўжалиги

¹⁹ Муаллиф ишланмаси.

корхоналарини солиққа тортиш тартибини танлашда бир томонлама ёндашмаслик керак, бунда барча омиллар таҳлили амалга оширилиши зарур. Бундай омиллар таркибига қишлоқ хўжалиги корхонасининг ихтисослашуви, капитал сиғими, меҳнат сиғими, ўзи етиштирган маҳсулотларнинг жами даромаддаги улуши, суғориладиган экин майдони, экспорт салоҳияти ва ҳатто маҳсулотлари харидорларининг қайси солиққа тортиш тартибида солиқ тўлаётганлиги каби омилларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган ер майдонларини солиққа тортиш учун ер солиғини ҳисоблаш тартиби ўзгаришлар таққослама таҳлил қилинган.



5-расм. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган ер майдонларини солиққа тортиш учун ер солиғини ҳисоблаш тартиби²⁰.


5-расм маълумотлари орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган ер майдонларини солиққа тортиш бўйича ер солиғини ҳисоблаш механизми 2020 йилдан эътиборан соддалаштирилганлигини кузатиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 2020 йилга белгиланган солиқ ставкалари бўйича янги таҳрирдаги Солиқ кодексга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи юридик

²⁰ Муаллиф ишланмаси.

шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар деб эътироф этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли Қонунига асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар 2020 йил январдан бошлаб ер усти манбаларидан олинган 1 куб метр сув учун 140 сўм ставкада ҳамда ер ости манбаларидан олинган 1 куб метр сув учун 170 сўм ставкада сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаши назарда тутилган.

Кирилган ўзгартиришларга асосан Сурхондарё вилояти 2020 йилда қишлоқ хўжалиги товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун кутилаётган солиқларни аниқлаш ҳолати ўрганилди.



6-расм. Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича ҳисобланган солиқлар миқдори²¹ (млн. сўм).

Келтирилган маълумотларга кўра, таҳлил этилаётган барча даврда ер солиғи суммаларининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилган солиққа тортиш тартиби билан бевосита боғлиқлигидадир, яъни 2020 йилга қадар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи, ундан кейин ер солиғи тўлашга ўтган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик

²¹ Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

учун солиқ ҳисоблаш 2020 йилдан жорий этилганлиги туфайли 74109,3 млн. сўм миқдориди солиқ ундирилиши кўзда тутилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибаси ва қиёсий таҳлили**» деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигини солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг ривожланган давлатлар тажрибалари билан бир қаторда ривожланаётган ҳамда МДХ давлатлари тажрибалари тадқиқ қилинган ҳамда республикамиз амалиёти билан қиёсий таҳлил қилинган. Илғор хориж тажрибасидан мамлакатимизда ижодий фойдаланиш бўйича хулосалар чиқарилган.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги тармоғи бўйича солиқ солиш даражасининг пасайишига, асосан иккита йўналиш орқали эришилади. **Биринчи ҳолатда** – бу солиқ ставкаларини бевосита пасайтириш, бу хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасига нисбатан ҳисобланганда солиқ юқининг анчагина камайишига олиб келади. **Иккинчи ҳолатда**, солиқ солишнинг одатдаги ставкалари билан бир вақтда солиқ имтиёзлари, шунингдек тезлаштирилган амортизация усулларини қўллаш имкониятларини тақдим этиш орқали хўжалик субъектлари ихтиёрида қоладиган фойдани ошириш назарда тутилади²².

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш тизими асосан иккинчи жаҳон урушдан кейинги даврда ҳар томонлама кенг шаклланди. Бу даврда тармоқнинг урушдан кейинги даврга хос муҳим тавсифлари: тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги ва мамлакатдаги бандлик тузилмасидаги салмоғи анча юқорилиги, қишлоқ хўжалиги даромадларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан бир хил даражада сақлаб туриш ва тенглаштириш зарурлиги; аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш зарурлиги каби тавсифларга асосий эътибор қаратилди. Ўтган асрнинг 80- йилларидан бошлаб деярли барча ривожланган мамлакатларда солиқ ислохотлари амалга оширилди, солиқ қонунчилигини мамлакатларнинг ўша пайтдаги иқтисодий ривожланиш даражасига мослаштиришга қаратилган эди. Бу ислохотлар аграр секторни ҳам қамраб олди. Чунинчи, аксарият ривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри солиқлар бўйича солиқ ставкалари анча камайтирилди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фермерларга нисбатан солиқ преференциялари амал қилади. Бу ер ва ундаги қурилишларни баҳолашнинг алоҳида усуллари қўлланилиши, солиқ солиш даражасининг пастлиги, тупроқни қайта ишлашга мўлжалланган машина ва ускуналар қийматининг солиқ солинадиган суммалардан чиқариб ташланиши, солиқлар бўйича чегирмалар ва хаттоки бошқа солиқларни тўлаш учун грантлар берилиши билан ифодаланади. Фермерлар капиталини технологик янгиликларга инвестициялашни рағбатлантириш учун кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида инвестицияларни кўпайтиришга солиқ чегирмалари, инвестициянинг кўпайтирилган суммасига тўғри келадиган солиқ тўловларининг бюджетдан қоплаб берилиши ва ҳоказолар

²² <http://ej.kubagro.ru/2011/10/pdf/55.pdf>

назарда тутилган. Фермер, агар давлат ёки минтақавий аграр дастурлар доирасига кирадиган янгиликларни ўзлаштирсан, имтиёзли солиқ солишнинг бирорта туридан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида қишлоқ хўжалигига қулай шароитлар яратиш сиёсат даражасига кўтарилган бўлиб, сайлов ва ҳукумат таркибининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади, шунинг учун солиқ имтиёзлари аграр секторга субсидия ажратишнинг муҳим шакли бўлиб хизмат қилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқлар таркиби асосан даромад солиғи ва корпоратив солиқ, ҚҚС, ер солиғини ўз ичига олади. Даромад солиғи миллий солиқлар гуруҳига кириди. Уни тўлаш тартиби ва ставкаларини барча мамлакатларда федерал қонунчилик белгилайди. Солиқ базаси солиқ солиш субъекти олган соф даромад (ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромад билан шу даромадни олишга боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ) сифатида белгиланади.

3-жадвал

Хориж мамлакатларида қишлоқ хўжалигида даромаддан олинган солиқ ставкалари²³

Мамлакатлар	Даромаддан олинган солиқ		Ижтимоий сўғурта		ҚҚС
	Корпорация	Жисмоний шахс (ишчи ва ходим)	Иш берувчи	Ишчи ва ходим	
Хитой	25	3-45	30	11	17/0 ²⁴ ва 13
Болгария	10	10	18,5	12,9	20
Франция	33,33	5,5-41	50	20	20
Германия	30-33	14-45	19,7	20,6	19/7
Италия	27,50	23-43	30	10	22
Латвия	15	15/20	32,6	9	21
Нидерландия	20-25	5,85-52			21
Польша	19	18/32	22,14	13,7	23
Португалия	21	14,5-48	23,75	11	23
Руминия	16	16	28,45	16,5	24
Испания	28	24,75-52	29,9	6,35	21
Швеция	22	0-57			25
Буюк Британия	23	0-45	13,8	12	20

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш муҳим илмий-амалий вазифа ҳисобланади, чунки чет эл амалиётининг асосий ютуқларидан фойдаланиш тегишли тармоқда солиқларни тўлаш механизмининг янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Шу боис, хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш хусусиятларини таҳлил қилиш, қўлланиладиган ёндашувлар учун аниқ мотивация хос эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Қишлоқ

²³Анализ мировых тенденций государственной поддержки сельского хозяйства. <http://www.eurasiancommission.org>

²⁴Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва бошоқчилар ўрнини босувчилар, кимёвий ўғитлар, қишлоқ хўжалиги химикатлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва иссиқхона учун мўлжалланган полиэтилен пленкалар.

хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш имтиёзли тусга эгаллиги билан ажралиб туради. Булар махсус солиқ режимларининг амал қилишида ҳамда солиқ имтиёзлари берилишида намоён бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш қоидалари хилма-хил имтиёзларда акс этади. Умумий имтиёзларга қуйидагилар киради:

- ✓ кичик фермерларни солиқ тўлашдан озод қилиш;
- ✓ нақд пул асосида ҳисоб-китоб қилишга имкон бериш;
- ✓ солиққа тортиладиган даромадлар ҳисоб-китобларини тақдим этиш;
- ✓ йиллик ер ва мол-мулк солиғини камайтириш;
- ✓ ерларни авлодлар ўртасида ўтказиш билан боғлиқ солиқларни камайтириш.

МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим чораларидан бири қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари учун умумий солиқ тизими доирасидаги солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун солиқ тизимларини жорий этиш ҳисобланади²⁵. Жумладан, ҳозирги кунда Беларусь Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ, Қозоғистон Республикасида деҳқон хўжаликлари ёки фермер хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун махсус солиқ режими, Тожикистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун соддалаштирилган солиққа тортиш режими, Ўзбекистон Республикасида ягона ер солиғи (2020 йил 1 январдан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар умумбелгиланган ёки айланмадан солиқ тўловчилари ҳисобланади) ва Украинада қатъий белгиланган қишлоқ хўжалик солиғи каби махсус солиқ режимлари қўлланилади (4-жадвал). Лекин Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Молдавия ва Туркманистон давлатларининг солиқ қонунчилигида бундай махсус солиқ режимлари кўзда тутилган эмас.

Россияда бўлгани каби, МДХнинг айрим мамлакатларида ҳам махсус солиқ режими қўлланишида ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини сотишдан тушган даромаднинг умумий даромаддаги улушига бўлган талаб бажарилиши лозим. Жумладан, Белоруссия Республикасида камида 50%; Қозоғистон Республикасида йиллик даромаднинг камида 90%. Бундан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларда ерга эгаллик қилиш ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини мавжудлигига қараб, енгилроқ солиқ юки бўлган солиқ режимини қўллаш учун қўшимча шартлар кўзда тутилган. Шундай қилиб, бу мамлакатларда, ягона солиқ рента даромадига қаратилган. Юқоридагиларнинг барчасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, МДХ мамлакатларининг барчасида Россия каби бир қатор энг йирик солиқ тўловчилар бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун махсус солиқ режимини қўллаш ҳуқуқи мавжуд.

²⁵Горелова И.В., Долгова О.Ю. (2015) Налогообложение сельскохозяйственного товаропроизводителя в контексте реализации стратегии импортозамещения // Налоги и финансовое право. 2015. № 12. – С. 129–135.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун махсус солиқ режимларига ўтиши мумкин бўлмаган солиқ тўловчилар²⁶

Россия	Тожикистон	Қозоғистон	Украина	Белоруссия
Акциз ости маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар			Акциз ости товар ишлаб чиқарувчилар, узум шароб материаллари иккиламчи шароб тайёрлаш учун бирламчи вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилардан ташқари	Ташкилотлар-соддалаштирилган солиқ тизимидаги солиқ тўловчилар
Қимор ўйинлари соҳасида фаолият юритувчи солиқ тўловчилар		Шўба корхоналари, тузилмавий бўлинмаларга эга юридик шахслар	манзарали ўсимлик, ёввойи ҳайвон ва қушлар, мўйнали маҳсулот ва мўйнани сотишдан даромад олинган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромаднинг 50 % бўлган солиқ тўловчилар	
Давлат, бюджет ва автоном муассасалар		Ягона солиқ режимидаги юридик шахснинг таъсисчиси ёки ўзаро боғлиқ бўлган	Форс-мажор ҳолатларида юзага келган ҳисобот йили бошига солиқ қарзи бўлган (умидсиз қарзларни қўшмаган ҳолда) тўловчилар	
Мазкур фаолият бўйича белгиланган даромаддан олинган ягона солиқ тўловчи	Соддалашт ириган солиқ режимидаги и солиқ тўловчилар	Бошқа юридик шахсдаги иштироки улуши 25%дан юқори бўлган юридик шахслар		
	Имтиёзли солиқ режимидаги и солиқ тўловчилар	Бошқа қишлоқ истеъмол кооперативи аъзолари бўлган қишлоқ истеъмол кооперативи		

²⁶Курочкина Н. В., Шакирова Р.К. Практика применения системы налогообложения для сельскохозяйственных товаропроизводителей в странах Содружества Независимых Государств. Вестник Марийского государственного университета. Серия «Сельскохозяйственные науки. Экономические науки». 2018. Т. 4. № 1. – С. 87-94.

Фикримизча, солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомини олиш учун жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳамда уни қайта ишлашдан олган даромадининг улуши солиқ даврида камида 80 фоизини ташкил этиши юзасидан мезоннинг киритилиши ёки эллик ва ундан ортиқ гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқ.

Давлатлар солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда бошқа хориж тажрибаларидан кенг фойдалансада, лекин мамлакатнинг жуда кўп иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий-ҳудудий ва ҳатто, маънавий, керак бўлса менталитетидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши шарт. Дунёда қанча аҳоли яшашига қарамасдан уларнинг бармоқ излари бир хил бўлмаганидек, алоҳида мамлакатнинг солиқ сиёсати бошқаси билан айнан бир хил бўлиши мумкин эмас. Умуман олганда, мамлакатнинг солиқ сиёсати бу, энг аввало, бюджетни тўлдиришда мамлакат манфаатларини таъминловчи давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир. Тўғри солиқ сиёсати устувор иқтисодий фаолият ёки йўналишларни рағбатлантиришни кўзда тутаяди, лекин бунда ҳам ушбу соҳани ривожлантириш ва охир оқибатда солиқ солинадиган базани бу орқали кенгайтиришни назарда тутаяди.

Ишнинг «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришда солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган тўртинчи боби қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш йўналишларини асослашга ҳамда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни илмий-амалий асосларини шакллантиришга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини солиқлар воситасида тартибга солиш миллий аграр сиёсатининг, қишлоқ хўжалигида ўзига хос табиий, инсон ва моддий ресурсларнинг устувор йўналишлари ҳамда аксарият қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, об-ҳавонинг ёмон келган даврларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларининг чекланиб қолиши билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи аксарият хомашё, материаллар бўйича қўшилган қиймат яратилишининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланмаслиги кейинги бўғинларда яратиладиган қўшилган қийматдан ундириладиган солиқ юкини ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига сезиларли миқдорда имтиёз ва преференцияларнинг берилганлиги қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда номутаносибликларни келтириб чиқаради ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг

шароитларни таъминлаш, қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини чегаралаб қўяди. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиниши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши муносабати билан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда харид нархларига қўшилган қиймат солиғини инобатга олган ҳолда шакллантириш ҳамда илгари фойдаланилган менерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа иш, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиш лозим.

5-жадвал

Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҚҚС жорий этилиши самарадорлиги²⁷ млн. сўм

Худудлар	ҚҚС жорий этилгунча пахта хом ашёси нархи (ўртача)	Жами харажатлар	Харажатдаги ҚҚСли хом ашёлар суммаси (менерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа иш, хизматлар)	ҚҚС жорий этилгандан кейин пахта хом ашёси нархи ҚҚС билан (ўртача)	ҚҚС бўйича бюджетга тушадиган қўшимча тушумлар
Ангор	3,2	10315,2	6085,9	4,3	1547,3
Олтинсой	3,2	77026,3	45445,5	4,3	11553,9
Бойсун	3,2	20965,7	12369,8	4,3	3144,9
Музработ	3,2	23717,6	13993,4	4,3	3557,6
Денов	3,2	97409,4	57471,5	4,3	14611,4
Жаркўрғон	3,2	74692,2	44068,4	4,3	11203,8
Қумқўрғон	3,2	90886,8	53623,2	4,3	13633,0
Қизирик	3,2	15644,4	9230,2	4,3	2346,7
Сариосиё	3,2	42614,8	25142,8	4,3	6392,2
Термиз	3,2	33477,8	19751,9	4,3	5021,7
Шеробод	3,2	110561,2	65231,1	4,3	16584,2
Шўрчи	3,2	77696,1	45840,7	4,3	11654,4
Узун	3,2	40773,7	24056,5	4,3	6116,1
Бандихон	3,2	47395,4	27963,3	4,3	7109,3
Жами	3,2	763176,6	450274,2	4,3	114476,5

²⁷ Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Келтирилган жадвалдаги таҳлилларга асосланган ҳолда Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2019 йил октябрдан ҚҚС жорий этилиши натижасида 2019 йилнинг ўзида қўшилган қиймат солиғидан жами бюджетга тушадиган қўшимча тушумлар 114476,5 млн. сўмни ташкил этган, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёрига 38787,2 млн. сўм маблағлар қолдирилишига эришилган. Таҳлил этилаётган 14 туманда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жами харажатларида қўшилган қиймат солиғи тўлаган ҳолда сотиб олинган хомашёлар миқдори салмоқли ўринни эгаллаб, вилоят бўйича ўртача 59,0 фоизни ташкил этган. Мазкур улуш қанча юқори бўлса, шунча қишлоқ хўжалиги корхоналарида қўшилган қиймат солиғини камроқ тўлаш имкониятини беради ва ушбу ҳолат қўшилган қиймат занжирида иштирок этаётган қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналарнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашни рағбатлантиради.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

6-жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланган солиқ имтиёзлари²⁸

Давр	Ягона ер солиғи (млрд.сўм)	Ер солиғи (млрд.сўм)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (млн. сўм)
01.01.2016	95,6	6,4	658,7
01.01.2017	214,4	135,6	22,6
01.01.2018	696,3	10,1	20,9
01.01.2019	267,7	0	15,5
01.01.2020	139,4	0	54,8

Жадвал маълумотларидан ягона ер солиғи ва ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш даражаси йилданйилга камайиб борганлигини кузатиш мумкин. Масалан, ягона ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 2,6 бараварга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда қарийб 2 бараварга камайган. Шунингдек, сув солиғидан ҳам солиқ имтиёзларидан фойдаланиш даражаси 2019 йилга қадар камайиб борган, лекин 2019 йилга келиб сезиларли даражада ошган. Мисол учун, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 1,1 бараварга, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1,4 бараварга камайган бўлса, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3,5 бараварга ортган. Мазкур солиқлар бўйича имтиёзлар суммасининг камайиш тенденциясига эга бўлиши ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

учун солиқ тўловчилар сонининг қисқариши натижасида юзага келган бўлса, ягона ер солиғи бўйича қонунчилик билан тақдим этилган тўғридан-тўғри имтиёзлар суммаси камайиши билан изоҳланади. Айнан қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини имкон қадар мазкур соҳада эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Тадикот иши доирасида Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият кўрсатувчи 472 нафар масъул шахс, респондентлардан сўровномалар асосида 30 та саволга жавоб олинди ва таҳлиллари амалга оширилди. Эконометрик таҳлиллар учун респондентлардан асосан уч хил турдаги саволлар тўпламига жавоб олинди:

- ҳа-1/йўқ-0 (Dummy variable);
- 1 дан 10 гача сон қийматидаги баҳоловчи кўрсаткичлар ёрдамида;
- тартибли маълумотлар кўринишда.

Ўтказилган сўровномалар асосида Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар даражасини баҳоланди.

7- жадвалда

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар даражасини баҳолашнинг тартибли логистик регрессия натижалари

Ordered logistic regression		Number of obs=		472		
		LR chi2(4) =		608.27		
		Prob > chi2 =		0.0000		
Log likelihood = -682.784		Pseudo R2 =		0.3082		
s12	Odds Ratio	Std. Err.	z	P>z	[95% Conf.	Interva]
s11	1.466322	.0853871	6,57	0.000	1.308164	1.64360
s13	1.598138	.1027429	7,29	0.000	1.408936	1.81274
s14	1.74825	.1016215	9,61	0.000	1.560002	1.95921
s19	1.078162	.0562034	1,44	0.149	.9734457	1.19414

Ушбу тартибли регрессия натижаларидан қуйидагича хулосаларни шакллантириш мумкин:

охирги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича ислохотларни баҳолашнинг бир бирликка юқори баҳоланиши қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар даражасининг 1,46 га ошишини англатади;

қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қулай солиқ муҳити яратилганлик даражасини баҳолашнинг бир бирликка юқори баҳоланиши қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар даражасининг 1,59 га ошишини англатади;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экспорт салоҳияти даражасини баҳолашнинг бир бирлик юқори баҳоланиши қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар даражасининг нисбатини 1,74 га ошишини англатади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиқлар воситасида рағбатлантириш борасида амалга оширилган ишлар самарадорлигини ошириш учун соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича ислоҳотларни яхши англаб етиши, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қулай солиқ муҳити яратилганлиги ва уларнинг экспорт салоҳияти даражасини оширишга қаратилган таъсир чораларини пухта билишлари талаб этилади.

ХУЛОСА

Танланган мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан мақсадли ривожлантириш сиёсати самарали молиявий рағбатлантириш сиёсати билан уйғунлашса мазкур соҳада юқори натижаларга эришишга асос бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўлланиладиган молиявий инструментлар турличадир. Лекин умумий жиҳатдан олганда жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигига ўзига хос ёндашув мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда бу ёндашувлар молиявий енгилликлар, имтиёзлар беришни кўзда туттади. Қишлоқ хўжалиги давлат томонидан молиявий рағбатлантиришнинг солиқ имтиёзларини қўллаш, кредит ва суғурта тизими орқали рағбатлантириш, табақалашган нархларни компенсациялаш механизми каби усуллар энг кенг тарқалган усуллар ҳисобланади.

Мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар шароитда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришда илғор хориж тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта хомашёси учун харид нархларини ўрнатишни бекор қилган ҳолда ерларининг ҳосилдорлик даражаси ўрта даражада бўлган фермерлар учун кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун зарур даромадларни кафолатлайдиган миқдордаги энг кам нархларни таклиф этилиши ҳамда бозор конъюктурасининг кескин ўзгариши оқибатида йўқотилган даромадларини давлат томонидан компенсация қилиш ва солиқ имтиёзларини кенг қўлланиши зарур.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш тизимли ёндашувни талаб этади. Бунда мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси муҳим аҳамият касб этади, қайта ишлаш даражаси юқори бўлса, қўшилган қийматнинг кейинги босқичларида яратиладиган қисмига солиқ солишга асосий эътибор қаратилиши, қайта ишлаш даражаси паст бўлганда, хомашё сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиқиб кетишини чеклашга қаратилган солиқ дастакларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларида ер майдонига нисбатан ҳисобланадиган мутаносиб ер солиғи умумқабул қилинган солиқ қоидаларига жавоб берса-да, табиатан нарх ва даромадларнинг ноэластиклиги ҳамда рискка мойиллиги бўлади. Сотилган маҳсулотлар бўйича олинган даромадлардан келиб чиқиб ҳисобланадиган солиқлар бу камчиликларни бартараф қилиш борасидаги мақбул йўналиш ҳисобланади ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинадиган оптимал солиқ сифатида баҳоланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича ерларнинг меъёрий қийматини белгилашда муаммолар мавжуд. Ерларнинг меъёрий қийматини номувофиқ белгиланиши айрим солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантирса, айрим ҳолатда, аксинча, давлат бюджетига тушумларнинг

камайишига олиб келади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилаётган ерларга нисбатан қўлланиладиган солиқ миқдори унинг меъерий қийматида боғлиқлиги солиқ тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобга олишда аниқ механизмларни ишлаб чиқиш лозим. Бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажмини аниқлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисобга олишда фақатгина тумандаги сув таъминоти корхоналарининг хулосаларига таянилиб қолмоқда. Бунинг натижаси солиққа тортишнинг адолатлилик принципи талаблари бузилишига олиб келмоқда, яъни сувдан кўп фойдаланиб кам солиқ тўланиши ёки, аксинча, сувдан кам фойдаланиб кўп солиқ тўланиши ҳолатларини келтириб чиқаради.

Тадқиқот доирасида шакллантирилган хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилиниши мақсадга мувофиқ.

2. Қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши муносабати билан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларни солиқлар воситасида рағбатлантиришда харид нархларига қўшилган қиймат солиғини инobatга олган ҳолда шакллантириш ҳамда илгари фойдаланилган менерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва бошқа иш, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш амалиётини жорий этиш зарур.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий натижаларидан қатъий назар ажратилган ер майдонлари меъерий қийматида келиб чиқиб ягона ер солиғининг ҳисобланиши улар иқтисодий фаолиятига салбий таъсири аниқланди. Шу муносабат билан эллик ва ундан ортиқ гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бунда биринчидан кичик бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан қўшилган қиймат занжирини яратилишида ижобий таъсир этса, иккинчидан мазкур корхоналарни фойда солиғи орқали рағбатлантириш механизми яратилади.

4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларда ягона ер солиғининг улар фаолият натижаларини рағбатлантириш механизми мавжуд эмаслиги ягона ер солиғини республикада бекор қилишни талаб этади ва фойда солиғи тўлашга ўтадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда солиғининг 0 фоиз миқдоридаги ставкасини жорий этиш орқали уларнинг моддий-техника

базасини ривожлантиришдаги инвестицион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

5. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни суиистеъмол қилиниши ҳамда мақсадсиз фойдаланишини олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомини олиш учун жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳамда уни қайта ишлашдан олган даромадининг улуши солиқ даврида камида 80 фоизни ташкил этиши зарурлиги бўйича мезонларни жорий этиш зарур.

6. Тадқиқот ишида Сурхондарё вилояти бўйича олиб борилган сўровномалар таҳлилининг кўрсатишича, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш билан муаммолар натижасида нобуд бўлади, шунингдек, ипак қурти етиштиришда катта ҳажмдаги кўчмас мулклардан фойдаланилиши ўзига хос хусусиятдир. Мамлакатимизда мазкур соҳани солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш ҳамда ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган кўчмас мулкларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни жорий этилиши ўзининг ижобий самарасини беради.

7. Сурхондарё вилоятида тоғли ҳудудларда қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштиришни молиявий рағбатлантириш механизми кенг жорий этишда ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерларни ўзлаштириш даврида ва ундан кейин яна беш йилга ер солиғидан имтиёз бериш, шунингдек янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар уч йил муддатга ер солиғидан озод қилиниши мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТОШКУЛОВ АБДУКОДИР ХАМИДОВИЧ

**НАЛОГОВОЕ СТИМУЛИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**
(на примере Сурхандарьинской области)

08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под B2020.3.DSc/Iqt259.

Диссертация выполнена Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.dba.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Тошматов Шухрат Амонович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдурахмонов Қаландар Хаджаевич Академик АН РУз Алмардонов Мухамади Ибрагимович доктор экономических наук, профессор Ўрмонов Жаҳонгир Жалолитдинович доктор экономических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский финансовый институт

Защита диссертации состоится «__»_____ 2021 года в ____ на заседании научного совета DSc.20/13.05.2020.I.23.01 по присуждению ученой степени при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100066, г.Ташкент, ул.Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрированный под № ____). Адрес: 100066, г.Ташкент, ул.Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

Автореферат диссертации разослан «__»_____ 2021 года.

(протокол реестра № ____ от «__»_____ 2021 года).

Д.Н.Рахимова

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

А.Х. Исламкулов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, доцент

Д.Х. Пулатов

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Значимая роль сельскохозяйственного производства в экономике и его определяющее влияние на повышение качества жизни населения, прямые и косвенные методы, включая механизмы кредитования, страхования, ценообразования, широко применяется в мире в качестве поддержки сельскохозяйственной отрасли. По данным мониторинга политики сельского хозяйства 53 государств-членов Европейского союза, Организации экономического сотрудничества и развития и 12 развивающихся стран в 2016-2018 гг. непосредственно на поддержку деятельности фермерских хозяйств было направлено 528 млрд.долл. Особое внимание уделяется целенаправленному управлению и поддержке сельского хозяйства посредством использования системы налогообложения, включая применение налоговых льгот. Благодаря этому, в частности, в странах Европейского Союза «объем государственной поддержки сельского хозяйства вырос с 97,4 млрд.долл. до 98,8 млрд. долл.»¹.

Мировая практика использует различные финансовые инструменты и налоговое регулирование производства сельскохозяйственной продукции. Большое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование системы государственного финансового стимулирования сельскохозяйственных предприятий посредством налогов, применение адресных налоговых льгот в сельском хозяйстве, повышение урожайности сельскохозяйственных культур с учетом природно-климатических условий, а также повышение продуктивности за счет снижения себестоимости.

В процессе становления Нового Узбекистана особое значение придается целенаправленному использованию налогового механизма в организации современного сельскохозяйственного производства, предусматривая эффективное использование земельных и водных ресурсов. Благодаря этому реализуется задача: «стимулирования и создания благоприятных условий для развития фермерских хозяйств, прежде всего многопрофильных, занимающихся как производством сельскохозяйственной продукции, так и переработкой, заготовкой, хранением, сбытом, строительными работами и оказанием услуг».² Дальнейшая реализация этой задачи требует расширения сферы научных исследований по стимулированию применения налоговых льгот развития интенсивного садоводства, виноградарства, тутовых насаждений, повышения продуктивности используемых земель и поддержки общей результативности сельскохозяйственных производителей.

¹Agricultural support. <https://data.oecd.org/agrpolicy/agricultural-support.htm>

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Результаты настоящего исследования в определенной степени служат реализации задач, указанных в законе «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2020 год», Налоговом кодексе (в новой редакции), Указах Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», от 27 июня 2019 года № УП-5755 «О мерах по дальнейшему упорядочению предоставления налоговых и таможенных льгот», от 29 июня 2018 года № УП-5468 «О Концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования о роли и значении сельского хозяйства в экономике, использовании специфических особенностей налогообложения, включая предоставление налоговых льгот ведутся в ведущих университетах и научных центрах мира, в том числе: Организацией экономического сотрудничества и развития (Organisation for Economic Co-operation and Development); Консорциумом по исследованию международной сельскохозяйственной торговли (The International Agricultural Trade Research Consortium); Службой экономических исследований при Департаменте сельского хозяйства США (The Economic Research Research Service, США.); Международным центром налогов и развития (The International Centre for Tax and Development, ICTD, США), Институтом фискальных исследований (Institute for Fiscal Studies, Великобритания); Центром практических исследований в области финансов The Center for advanced research in Finance, CARF, Япония); Japan International Cooperation Agency (JICA, Япония); Корейским государственным финансовым институтом (The Korea Institute of Public Finance, Корея, Корея); The University of Faisalabad (Пакистан); Международным центром европейского образования (Centre International de Formation Européenne (CIFE), Франция); Финансовым университетом при Правительстве Российской Федерации, Российским государственным аграрным университетом имени К. А. Тимирязева (Россия).

³The Role of Agriculture in Economic Development and Poverty Reduction. *An Empirical and Conceptual Foundation*. The World Bank Rural Development Department, 2011; Agricultural taxation under structural adjustment [2008]. Sarris, A.H. FAO, Rome (Italy); The International Agricultural Trade Research Consortium (IATRC) United States Department of Agriculture (USDA); Agriculture and Agri-Food Canada, USDA Foreign Agricultural Service (FAS) and Economic Research Service (ERS); The International Agricultural Trade Research Consortium (IATRC). The Impact of Pillar II Funding Validation from a Modelling and Evaluation Perspective, Schroeder, Gocht, and Britz 2015.

Получен ряд научных результатов по налоговому стимулированию экономической деятельности сельскохозяйственных предприятий, в числе которых:

обоснована необходимость налогового стимулирования возделывания сельскохозяйственными предприятиями земель, на которых созданы сады, виноградники и тутовники; разработан механизм стимулирования посредством налогов создания полноценной цепочки налога на добавленную стоимость в сельскохозяйственном производстве; научно обоснованы направления снижения налоговых ставок за пользование водными ресурсами в зависимости от повышения эффективности финансовых результатов деятельности сельскохозяйственных предприятий (Республика Узбекистан.); определено, что налоговые поступления местного бюджета связаны с уровнем развития сельского хозяйства (Республика Каракалпакстан).

Мировые исследования по налоговому стимулированию экономической деятельности сельскохозяйственных предприятий, в качестве приоритетных направлений: определили влияние налогов на установление гарантированной (*guaranteed support price*) и минимальных нормативных цен (*minimum legal price*) с учетом изменений рыночной конъюнктуры (США); использовали модель CAPRI-RD при определении влияния изменения налоговых ставок на сельскохозяйственные доходы при развитии сельского хозяйства (Германия); определили эффективность внедрения налоговых льгот при использовании биотоплива в сельском хозяйстве (Европейский Союз).

Степень изученности проблемы. Теоретические взгляды на налогообложение исследованы в научных трудах следующих ученых-экономистов: А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, Т.Гоббс, П.Самуэльсон, Ю.Фишер, К.Макконнелл, Н.Мэнкью, С.Брю, В.Белостоцкая, С.Барулин, Е.Кирова, Е.Егорова, Д.Черник, Т.Юткина, В.Титов, Л.Минь, Д.Юм⁴. В научных исследованиях ученых-экономистов Узбекистана таких, как А.Алтиев, А.Вахобов, Ш.Тошматов, М.Альмардонов, А.Жураев, Т.Маликов, А.Пардаев, Б.Исроилов, О.Абдурахмонов, Б.Тошмуродова,

